

Уч муборак дуо



10:45 / 13.03.2020 6819

Фазилатли имом, муҳаддис, шайх Муҳаммад Аввома илм ўрганаётган талабаларга қуйидаги уч дуони ҳар куни ўқиб юришни вазифа тарзида тавсия этдилар:

1. Расулulloҳ соллалоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмаларидан бири – ҳар куни тонгда бомдод намозидан сўнг қуйидаги дуони ўқишга буюрар эдилар:

???????? ???? ???? ????????? ???? ????
???????? ???? ????????? ???? ?????????.

«Аллоҳумма, инний ас алука ъилман наафиъан, ва ризқон тоййибан, ва ъамалан мутақоббалан».

Маъноси: «Аллоҳим, Сендан фойдали илм, покиза ризқ ва мақбул бўлувчи амал насиб қилишингни сўрайман».

Имом Насаий, Ибн Можа ва Аҳмад Умму Салама розияллоҳу анҳодан ривоят қилган.

2. Ибн Шиҳоб Зухрий Қуръон ёки ҳадисдан бирор нарса гапирсалар ёки илм мажлисини тамомласалар, қуйидаги дуони айтардилар:

????????? ?????? ????????????? ?????? ??????? ??????????

???? ?????????? ??? ????????????? ?????????????????

????????????? ?????? ?????? ?????? ?????? ?????????? ??????

?????????? ??? ?????????????? ?????????????????.

«Аллоҳумма, инний ас алука кулла хойрин аҳаато биҳи ъилмука фид-дуня вал аахиро, ва аъузу бика мин кулли шаррин аҳаато биҳи ъилмука фид-дуня вал-аахиро».

Маъноси: «Аллоҳим, Сендан дунё ва охиратда илминг ихота қилган барча яхшиликни сўрайман ва Сенинг исминг билан дунё ва охиратда илминг ихота қилган барча ёмонликдан паноҳ тилайман».

3. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу шом намозининг учинчи ракъатида Фотиҳадан кейин:

»????????? ??? ??????? ????????????? ??????? ??????

????????????????? ??????? ??????? ?????? ????????????? ???????????

????????? ??????? ?????????????????«.

«Роббанаа, лаа тузиғ қулубанаа баъда из ҳадайтанаа, ва ҳаб ланаа мин-ладунка роҳма, иннака антал-Ваҳҳааб» оятини ўқирдилар.

Маъноси: «Роббимиз, бизни ҳидоят қилганингдан сўнг қалбларимизни оғдирмагин ва бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат ато қилгин! Албатта Сен кўплаб ато қилувчисан» *(Оли Имрон сураси, 8-оят)*

Имом Молик «Муватто»да ҳасан саноद билан ривоят қилган.

Изоҳ: Моликий мазҳабида бу дуо намознинг учинчи ракъатида ўқилади. Ҳанафий мазҳабида эса шом намозининг фарзидан кейин ўқиймиз.

Валлоҳу аълам!

Islom.uz портали таҳририяти